XALQ DEPUTATLARI OLMAZOR TUMANI KENGASHINING QARORI

Toshkent 100095, Kichik xalqa yo‘li ko‘chasi, 1-uy. Tel.: (71) 207-31-41

2023 - yil 29 - dekabr II-90-184-14-197-K/23 Olmazor tuman hokimligi

2024-йил учун Олмазор туман маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 24-моддалари ва Бюджет кодексининг 99-моддасига, 2023-йил 25-декабрдаги “2024-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-886-сонли Қонуни ҳамда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2023-йил 28-декабрдаги “2024-йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-95-278-14-0-K/23-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек, Тошкент шаҳар Иқтисодиёт ва молия бош бошқармасининг 2023-йил 26-декабрдаги 01-3/2690-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Олмазор туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2024-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2023-йил 28-декабрдаги “2024-йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-95-278-14-0-K/23-сон қарори (кейинги ўринларда Қарор деб аталади) қабул қилинганлиги;

Қарорнинг 5-иловасига мувофиқ Олмазор туман маҳаллий бюджетининг 2024-йил учун даромадлари **154 485 000,0 минг сўм** ва харажатлари **154 485 000,0 минг сўм** миқдорида баланслашган ҳолда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2024-йил учун Олмазор туман маҳаллий бюджетининг даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2024-йил учун Олмазор туманининг туман маҳаллий бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага;

2024-йил учун умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети билан туманлар маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Тошкент шаҳар бўйича Ғазначилик хизмати бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2024-йил учун Олмазор туманининг туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳажми **1 318 662,0 минг сўм** миқдорида;

2024-йил учун Олмазор тумани бюджети шахсий ғазна ҳисоб варақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори **606 000,0 минг сўм** этиб белгилансин.

5. Қонун билан 2024-йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан, маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2024-йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

жарималар. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобил йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022-йил 4-апрелдаги ПҚ–190-сон қарорига асосан туман ҳокимликлари томонидан ўз ҳудудларидаги автомобил йўлларида ўрнатилган йўл ҳаракати қоидалари бузилишини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган қоидабузарликлар учун ундирилган жарималар бюджетдан ташқари ҳисоб рақами орқали ўтувчи даромадлар туман маҳаллий бюджетларида қолдирилади;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр стансиялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

давлат мулкини ижарага беришдан тушадиган тушумлар.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳамда туманлар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

айланмадан олинадиган солиқ;

бензинни, дизел ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги аксиз солиғи;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиғи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи.

6. Қуйидагилар Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар бюджетларидан молиялаштирилади:

Солиқ қўмитасининг ҳудудий органларини сақлаш харажатлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳри, туманлар Халқ қабулхоналарини сақлаш харажатлари;

суд бошқарувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар.

7. Олмазор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Абдурахманов), туман Иқтисодиёт ва молия бўлими (Д.Хатамов), туман Солиқ инспексияси (Ш.Таджибаев) ва масъул бўлим ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал

хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджет прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида ва самарали бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қарацин.

8. Олмазор туман Солиқ инспексияси (Ш.Таджибаев), Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан олинадиган солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратиш;

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш;

Кадастр агентлиги Олмазор туман бўлими билан биргаликда туманда

мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

9. Мажбурий ижро бюроси Олмазор туман бўлими (С.Иброхимов), Олмазор туман Солиқ инспексияси (Ш.Таджибаев) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриб боришни таъминласин.

10. Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясига:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этиладиган таклифларини белгиланган муддатларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатиш, тавсиялар бериш ва мониторинг қилиш;

ҳар бир Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни харажатларга йўналтириш бўйича доимий тарзда ижросини назоратини олиб бориш;

бюджет маблағларидан хар бир молиялаштиришга йўналтирилган манзилли маблағлар учун ҳулоса тақдим этиб бориш йўлга қўйилсин.

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этиш ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси топширилсин.

11. Олмазор тумани ҳокимлиги, туман Иқтисодиёт ва молия бўлими ва бюджет маблағларини тақсимловчилари:

бюджет маблағларини молиялаштиришда қонуний талаблардан чиқмасликни доимий назорат қилиб борсин ҳамда йўлга қўйилишини таъминласин

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган обектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар мажбурий тартибда туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштириб бориш топширилсин.

12. Қуйидагилар:

туман бюджети жами харажатларининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтиришни;

бунда, Халқ депутатлари туман Кенгаши, Ёшлар ишлар агентлиги, туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги жамоатчилик Кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни тавсия этиш;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструксия қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган обйектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб бориш топширилсин.

13. Олмазор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари, туман Солиқ инспексияси, туман Иқтисодиёт ва молия бўлими ва тегишли бўлимлар билан биргаликда:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашига чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

14. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Абдурахмонов бошчилигида Олмазор тумани иқтисодий ва ижтимоий йўналиш бўйича туманни ривожлантириш дастурини 2024 йил 1 февралгача ишлаб чиқилсин ва ҳар ойда Халқ депутатлари Олмазор тумани Кенгашига ҳисобот бериб бориш йўлга қўйилсин, бу дастурни шакллантиришда тумандаги барча иқтисод билан боғлиқ бўлган иқтисодчи Олимлар, йирик тадбиркорлар, депутатлар билан мунтазам алоқа ўрнатиш йўлга қўйилсин.

15. Олмазор тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари (А.Умархонов), Олмазор тумани прокурори, 2-сектор раҳбари (О.Маннанов), Олмазор тумани ИИОФМБ бошлиғи, 3-сектор раҳбари (М.Вафаев), Олмазор туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, 4-сектор раҳбари (Ш.Таджибаев)га:

Туманда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун ишлаб чиқилган дастурларни амалга ошириш, ишларини олиб борилиши йўлга қўйишни таъминлаш вазифаси юклатилсин.

16. Олмазор туман ҳокимлиги матбуот хизмати:

мазкур қарор расмий эълон қилинишини ва туман ҳокимлигининг расмий www.olmazor.uz веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин

17. Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашининг 2023-йил 5-январдаги “Олмазор туманининг 2023-йил учун маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги II-71-1-14-197-К/23-сонли қарор 2024 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18.Ушбу қарор юзасидан юзага келган низолар суд тартибида хал қилинади.

19. Ушбу қарор 2024-йил 1-январдан эътиборан кучга киради.

20. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгаши Маҳаллий буджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Т.Назаров) ва Олмазор туман ҳокими биринчи ўринбосари А.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Kengash raisi **A. Umarxonov**

Халқ депутатлари Олмазор туман
Кенгашининг
2023 йил 29 декабрдаги
II-90-184-14-197-K/23-сон
қарорига
1-илова

2024 йил учун Олмазор тумани бюджети даромадлари прогнози

минг.сўмда

№	Кўрсаткичлар	Миқдори
Даромадлар жами:		**154 485 000,0**
1	Ягона солиқ тўлови	18 355 000,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ЯТТ)	7 793 000,0
3	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	21 463 000,0
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	24 260 000,0
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	39 643 000,0
6	Юридик шахслар ер солиғи	16 065 000,0
7	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	19 871 000,0
8	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	5 125 000,0
9	Ижара тўловлари	1 910 000,0

Халқ депутатлари Олмазор туман
Кенгашининг
2023 йил 29 декабрдаги
II-90-184-14-197-K/23-сон
қарорига
2-илова

2024 йил учун Олмазор туманининг тумани маҳаллий бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

минг.сўмда

Кўрсаткичлар		**Олмазор тумани**
	Харажатлар - жами	**154 485 000**
1.	**Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами**	**68 874 229**
	шу жумладан:	
1.1	**Маориф**	**53 680 189**
	- мактабгача таълим	27 753 878
	- умумий таълим	25 926 311
1.2	Соғлиқни сақлаш	4 795 585
1.3	Маданият	1 854 819
1.4	Спорт	8 008 972
1.5	Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»	175 765
1.6	Ижтимоий кўникма марказлари	358 899
2.	**Иқтисодиётга харажатлар**	**29 041 466**
	шу жумладан:	
2.1	Ички хўжалик автомобил йўлларни таъмирлаш харажатлари	1 335 000
2.2	Ободонлаштириш	21 786 147
2.3	"Маҳалла бюджети" жамғармаси маблағлари	5 920 319
3.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**34 156 643**
4.	**Заҳира жамғармаси**	**1 318 662**
5.	**Фуқаролар ташаббуси жамғармаси**	**21 094 000**
5.1	*Ташаббусли бюджет тадбирлари*	*21 094 000*

Халқ депутатлари Олмазор туман
Кенгашининг
2023 йил 29 декабрдаги
II-90-184-14-197-K/23-сон
қарорига
3-илова

2024 йил учун Олмазор тумани бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меёрлари

фоиз ҳисобида

Т/Р	Туманлар номи	Айланмадан солиқ	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализацияси қилишдан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
1	Олмазор тумани	18	100	25	26	100